O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 6 НОЯБР сешанба
№ 45 (249)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

*Огоҳликка даъват!*

## ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислом Каримов **“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”** асарида, бир қатор халқаро анжуманлардаги маърузаларида ҳеч қайси давлат, у қанчалик қудратли бўлмасин, террор хавфидан холи эмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Шундай бўлди ҳам.

Америка Қўшма Штатларида бўлган воқеалар терроризмнинг миллати, дини йўқлиги, унинг инсоният осойишталигига кучли хавф эканлигини яна бир бор кўрсатди. Минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган бу бало барча тараққийпарвар кучларни сергак торттирди. Уларни ягона мақсад атрофида бирлаштирди. Бу ҳол инсоният тарихида ҳали мисли кўрилмаган ҳодиса. Тадқиқотчиларнинг айтишича, янги асрда бундай бирлашув барча соҳаларда кузатилиши кутилмоқда. Бошқача айтганда, дунёнинг глобаллашуви жараёнлари, халқаро терроризм билан боғлиқ бўлган бугунги воқеа ва ҳодисалар миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онги ва қалбига сингдиришни кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканлигини кўрсатаяпти. Чунки террорчи гуруҳлар ортида, Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **ҳар томонлама ўйлаб ташкил қилинган, катта молиявий маблағ ва бошқа имкониятларга эга бўлган, қўли узун, ўзининг ёвуз ниятларидан қайтмайдиган турли ақидапарастлар турибди.** Улар ақли саёз, иймон-эътиқоди шаклланмаган ғўр ёшларни террорчилар иллатига мубтало қилаётганлигини, вайронкор мафкура билан қуроллантираётганлигини ҳисобга олсак, миллий истиқлол ғоясининг одамлар онги ва қалбидан жой ола бошлаганлиги мустақиллик йилларининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим ютуғи эканлиги маълум бўлади. Зеро, ўз ақл-заковати, салоҳиятини эл-юрт учун сафарбар этиш туйғуси муҳим маънавий омил сифатида хавфсизликни кафолатлайди ва тараққиётга хизмат қилади. Табиийки, бу жараён осон кечмайди. Чунки миллий истиқлол ғоясини эҳтиёж даражасига кўтариш, миллат ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига, асосий мазмунига айлантириш шунчаки бир тадбир эмас. Бу узлуксиз, мунтазам эътиборни талаб этадиган маънавий-маърифий жараён. Бунда замонавий технологиялар, дастур ва қўлланмалардан, ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Миллий истиқлол ғоясини акс эттирган бадиий ва саҳна асарлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Миллий истиқлол ғояси шунчаки мавҳум тушунчалар ёки ўйлаб топилган қарашлар мажмуаси эмас. Уни “юқоридан туширилаётган” кўрсатма, деб тасаввур этсак, хатога йўл қўямиз.

Миллий истиқлол ғояси, аввало, халқнинг миллий-маданий негизини ташкил этувчи қадриятларга бўлган эҳтиромдир. Ҳар бир халқнинг ўз миллий-маънавий негизида ривожланиши ўзига хос ва мос тараққиёти манбаидир. Бинобарин, қайси бир халқ ўзининг миллий-маънавий негизига таянмаса ёки ундан маҳрум этилса, ўзлигидан бегоналашиб боради. Демак, ғоявий, маънавий-руҳий жиҳатдан заифлашади, тарқоқликка юз буради. Бу, ўз навбатида, тараққийга эмас, таназзулга сабаб бўлади.

Миллий истиқлол ғоясининг иккинчи муҳим жиҳати унинг дунёвий, умуминсоний маданият билан чамбарчас боғлиқлигидир. Миллий истиқлол ғояси ўзлигини йўқотмасликка, айни пайтда дунё тараққиётидан ҳам узилиб қолмасликка даъват этади. Бу миллий тараққиётнинг икки қанотидир. Бир қанотидан айрилган қуш, узоққа уча олмаганидек, ўз тараққиётига, дунёда ўзига мос ўрнига эга бўлмоқчи бўлган халқ ёки миллат ҳам ана шу қонуниятга амал қилиши зарур.

Ҳар қандай миллатнинг мавжудлигини кўпроқ миллий руҳий, маънавий омиллар белгилайди. Маданиятнинг миллатга, халққа бевосита дахлдор жиҳатлари бор. Халқларга хос урф-одат, анъана, тил, ёзув, дин турмуш тарзи, санъат асарлари, мусиқаси, меъморчилик услублари орқали унинг ўзига хослиги, руҳияти, минталитети ифодаланади. Бу унинг мавжудлигини, яшаб қолишини, дунёда ўз ўрни, ўзига хос нуфузига эга бўлишини белгилайди ҳамда кафолатлайди.

Демак, халқнинг, миллатнинг ўз миллий маданиятига муносабати унинг истиқболини белгилайди. Маданиятини авайлаб-асраган, бу ҳақда қайғура олган миллатгина чинакам уйғоқдир.

Масаланинг яна бир жиҳати, миллий истиқлол ғояси деб, ҳар куни такрорлаган билан инсонлар шу руҳда тарбияланиб қолмайди. Миллий истиқлол ғояси — халқнинг тарихи, ўтмиш маданий мероси, қадриятлари, адабиёти ва санъат асарлари. Аждодлар кечмишидан гувоҳлик берувчи тарихий-маданий обидалари, ёдгорликлари. Миллий истиқлол ғояси дегани — она тилига бўлган муҳаббат, садоқат, Ватан тўғрисида ўйлаш, қайғуриш туйғуси.

Миллий истиқлол ғояси фуқароларнинг давлат рамзига муносабатлари орқали ҳам намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам, **“Мафкуравий иш, мустақиллик, юксак маънавият, аҳлоқийлик, маданият ғояларини тарғиб қилиш ўткинчи ҳолга айланиб кетмаслиги керак. Ахлоқ ва маънавият мавҳум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарбиячининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш — ҳар бир инсоннинг бурчидир”**, дейди Президент Ислом Каримов.

Хулоса сифатида айтганда, миллий истиқлол ғояси миллат ҳаётининг бардавомлигини таъминловчи, хавфсизликни кафолатловчи муҳим омилдир.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор**







*Ёмғирли куз фаслининг таровати ўзгача*




**Хоразмда “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.**

***

Олий Мажлис Кенгашининг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини 2001 йил 6 декабр куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди.

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябр куни Оқсаройда Австрия Республикаси Федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро — Валднер хонимни қабул қилди.**

***

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлиб ўтди. Олий суд раиси У.Мингбоев бошқарган ушбу тадбирда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши — жамиятни эркинлаштириш борасида суд-ҳуқуқ ислоҳотининг муҳим босқичи” ҳақидаги масала муҳокама этилди.

***

**Олий хўжалик судида келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш жараёнида шартнома интизомига риоя этилишини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимизда кейинги пайтларда қабул қилинган суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунларни амалга татбиқ этиш ҳамда уларнинг ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

***

**АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелднинг айтишича терроризмга қарши кураш борасида АҚШ яқин кунлар ичида Шимолий альянс кучларига ёрдам бериш учун ўз ҳарбийлар сонини уч-тўрт бараварга ошириб, аксилтеррор ҳаракатларини янада фаоллаштиради.**

***

АҚШда Фолмут почта бўлими ходими Шарон Уотсон куйдирги касаллигини қўзғатувчи бактериялар кукуни солинган хатларни жўнатаётган пайтда ҳибсга олинди.

***

**Шу вақтгача қуруқликка чиқарилган “Курск” атом сувости кемасидан 55 нафар ҳарбийлар мурдаси ва 16 та қанотли ракета олиб чиқилган. Маълумотларга қараганда, атом сувости кемасида яна олтита “Грант” русумидаги қанотли ракета бор.**

## АХБОРОТМИ ЁКИ ТАҲДИД?

Терроризм инсоният бошига бамисоли ёзда тўсатдан бошланган совуқ бўрон каби ёпирилиб келди.Таъкидлаш лозимки, бу бўроннинг қуюнлари олдин ҳам эсган ва шу боис тараққийпарвар кучлар жаҳон аҳлини бу офатдан огоҳликка чорлаган эди. Шунга қарамай, у ўз “иши”ни кўрсатишга улгурди...

Шундан сўнг бани башар бир ёқадан бош чиқариб, ўз осмонидаги қора булутни тарқатиш учун курашга отланди.

Ҳозирги пайтда терроризмга қарши кураш билан боғлиқ ҳолда кечаётган бошқа бир жараён ҳам юзага келдики, қуйида шу ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Нега деганда, бу жараённинг келтириши мумкин бўлган оқибати террорникидан асло қолишмайди. Шуниси ҳам борки, у терроризм ўчоғига билиб-билмай ўтин қалаётир.

Афғон тупроғида антитеррор амалиётлар бошлангач, шубҳасиз оммавий ахборот воситалари(ОАВ) хизматига эҳтиёж сезиларли даражада кучайди. Бу табиий. Дунёда туб ўзгаришлар кечаётган бир паллада ким ҳам янгиликлардан бохабар бўлишни истамайди, дейсиз.

ОАВ ҳам талабдан келиб чиқиб, ўз тингловчилари(томошабинлари)ю ўқувчиларига эндигина “тандирдан узилган” янгиликларни етказишга, қолаверса, сенсацияли ахборотлар тарқатиш орқали ўз аудиториясини кенгайтиришига интила бошлади. Бир сўз билан айтганда, антитеррор амалиётлари билан бир вақтда улар ўртасида ҳам ўзига хос кураш авж олди. Бунинг ёмон томони йўқ , албатта.

Лекин... шу кунларда айрим журналистларнинг хатти-ҳаракатлари ОАВ холислигига ишончни суиистеъмол қилаётгандек тасаввур уйғотмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги позициясига ёт манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Ачинарлиси, айрим ОАВлари бундай манфаат ифодачиси ва жарчисига айланиб қолаётир. Аниқки, бундай талқинлар мамлакатимиздаги тинч-осуда ҳаётга таҳдиддир.

Шулардан бири мамлакатимиз жанубий сарҳадларида “Толибон” ҳаракатининг кўп минг кишилик қўшини билан Ўзбекистонга жиҳодга шай тургани ҳақидаги уйдирмалардир. Таққослаш учун шуни айтиш лозимки, куни кеча Буюк Британияда янги қонун кучга кирди. Унга кўра, кимда-ким биологик, кимёвий, радиоактив ёки ядро қуроли бўйича ёлғон таҳдидлар уюштирса, 7 йил озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Мамлакат расмийлари ушбу қонуннинг кучга киришини сўнгги кунларда гўё куйдирги касаллиги мавжуд мактублар борасидаги ёлғон маълумотларнинг кўпайиб кетаётгани билан изоҳлашяпти.

Шу ўринда табиий савол туғилади: нега энди Буюк Британияда ёлғончи жазоланиши керагу бутун мамлакатга уруш бошланаётгани тўғрисидаги ваҳимали хабарлар тарқатаётган муаллифлар бемалол ўз “ижоди”да давом этавериши керак?

Бунга жавобан таъкидлаш жоизки, улар Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида халқаро майдонда ўз овозига эга бўлиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётганини кўра олишмаяпти. Шу билан бирга Марказий Осиёнинг беқарорлик ўчоғи бўлишини истайди.

Бу каби омилларни умумлаштириб айтиш мумкинки, улар ҳамон Ўзбекистонни ўз таъсир доираларидаги давлат санашади ва шундай бўлиб қолишини исташади. Таассуфки, улар ўзлари билмаган ҳолда, терроризмнинг бузғунчилик, қўпорувчилик таъсирини янада оширишга “хизмат” қилмоқда. Ахборот хуружининг энг ёмон оқибати ҳам шунда кўринади.

Шу ўринда савол туғилади: “Ахборот” хуружига қарши қандай кураш олиб бориш керак?

Энг аввало, ҳар бир ўзбекистонлик Президентимиз атрофида маҳкам жипслашиб, Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғимиздек асраб — авайлашимиз лозим.

Энди асосий кураш йўлига тўхталадиган бўлсак, бунинг учун аввало, мамлакатимиз тўғрисидаги ҳақиқатларни ўзимиз жаҳонга асл ҳолича етказишимиз лозим. Бу учун эса тегишли вазирлик ва идоралар хорижий ҳамда маҳаллий ОАВ учун тез-тез брифинглар, матбуот анжуманлари ўтказиб туриши мақсадга мувофикдир.

Бугунги дунёда ахборот кураши кундан-кунга шиддаткор тусга кирмоқдаки, шунга монанд тарзда “ахборот” хуружи ҳам кучаяверади. Унинг асосида ҳар доимгидек турли-туман манфаат ётибди.

Шу боис, Президентимиз таъкидлаганидек, **ҳар бир фуқаро, аввало, ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга ғаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, огоҳлик ва хушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур**.

Шу йўл билангина ўзимизни “ахборот” хуружидан ҳимоя қилишимиз мумкин.

**Мадамин САФАРОВ,**
**журналист**

## «ИНСОН ва ҚОНУН»га...

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Жиззах вилоят прокуратураси томонидан газетанинг 14 август сонида чоп этилган “Раис қонундан зўр... (ми?)” номли мақоласи юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда мақолада қайд этилган айрим қонунбузилиш ҳолатлари тасдиқланди. Текшириш натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Прокуратуранинг бевосита аралашуви билан фермер хўжаликларининг ноқонуний тортиб олинган ер майдонлари тўла қайтариб берилган.

**Н.ИСЛОМОВ,**
**Жиззах вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари**

### ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР

Мен 1997 йилда қўшни республикада яшайдиган қизга уйланган эдим. Шундан сўнг хотинимни рўйхатдан ўтказиш учун туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қилиб, керакли ҳужжатларни топширдим. Бироқ шундан бошлаб овора бўла бошладим. Пас-порт бўлимидагилар гоҳ у ҳужжатни, гоҳ бу қоғозни тўғриланг, деб туриб олишди. Сизларга мурожат этишимдан мақсад, ушбу масала амалдаги қонунларга кўра қай тартибда ҳал этилиши ҳақида маълумотга эга бўлишдир. Иккинчидан, туман ИИБ паспорт бўлимидагилар бу ишни бунча чўзишининг сабаби нима? Наҳотки, арз билан келган фуқарога иложи бўлса ёрдам бериш, жиллақурса, йўл-йўриқ кўрсатиш шунчалик қийин бўлса?

**Ўрол НОРБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги “Қўнғирот” ширкат хўжалиги**

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Конституцияни ҳаётимиз чароғбони, десак, янглишмаймиз. Зеро, уни билган ҳар қандай кишининг йўли ҳамиша ёруғ ва очиқдир. Келажакда йўл янада ёркин бўлишини кўзда тутган ҳукуматимиз раҳбарининг Конституцияни ўрганиш ҳақидаги фармони ҳам бежиз эмас. Деярли барча турдаги таълим муассасаларида мамлакатимиз қомусини ўргатиш ва ёшлар онгига сингдириш аллақачон бошланиб кетган бир пайтда бизда бир мулоҳаза туғилдики, буни газета орқали айтишни жоиз деб билдик. Мулоҳазаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мактабгача таълим муассасаларида ҳам ўргатиш йўлга қўйилса. Албатта, бу жараён ёш ўғил-қизларнинг ёшига, руҳиятига мос тарзда тузилган Конституциямиз ҳақидаги қўлланмалар орқали амалга оширилиши лозим бўлди.

Яна шуни айтиш жоизки, тўрт-беш ёшли бола руҳиятига турли хил суратларни томоша қилиш кўпроқ мос келади. Шундан келиб чиқиб, қўлланма яратишда ана шу жиҳатлар эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу эса ёш қалбларда Ватанга садоқат деган тушунчани ўзлари билан бирга улғайишини таъминлар эди.

**Фарида ЗУЛФИҚОРОВА,**
**Сирғали туманидаги 562-боғча мудираси**

*Адлия вазирлигида*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “**Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўзига хос муҳим воқеа бўлганди. Уни тайёрлашда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибалари, шунингдек, жазо чораларини қўллаш борасидаги миллий анъаналаримиз ҳисобга олинди. Бу борадаги қонунчилик амалиётида инсонпарварлик тамойиллари янада ривожлантирилди. Адлия вазирлигида бўлиб ўтган ҳуқуқий ўқув машғулоти ҳам бевосита шу мавзуга бағишланди.

Унда, жумладан, Жиноят Кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида сўз борди. Чунончи, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазо қўллаш муносабати билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар доираси анча кенгайтирилганлиги, бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муқобил жазо турларини қўллаш имконияти анча кенгайганлиги, мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги нормалар ЖКда эндиликда қўлланилмаслиги, бундан буён ушбу масала ЖПК нормалари билан ҳал этилиши, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги янги норма киритилганлиги, умуман ЖКга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг инсонпарварлик тамойилларига уйғунлиги, фуқаролар учун енгиллик ва қулайликлар яратиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритилди.

Уни Тошкент ДЮИ жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди Фарҳод Тоҳиров олиб борди.

**«ИНСОН ва ҚОНУН»**

катта йўлга тараддуд кўраётир.

*Сиз-чи, азиз муштарий?*




*Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, “Инсон ва қонун” газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!*

*Конституция ва биз*

## ХАЛҚ – ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ МАНБАИ

### Ўн еттинчи сабоқ

**Ўзбекистон ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда. Табиийки, ҳуқуқий давлатнинг пойдеворини демократия ташкил этади. Бевосита демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият эса ўз фаолиятида аҳолининг кенг қатламига таянади. Бу тамойил асосида иш юритадиган ҳокимият фуқаролар манфаатини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси моҳиятан демократик давлат бўлиб, унинг Асосий Қонуни халқ ҳокимиятчилиги тамойилига асосланади. Навбатдаги сабоғимиз бевосита шу мавзуга бағишланган бўлиб, уни Рихситилла АКРОМОВ шарҳлайди.**

Конституциянинг жуда кўп моддасига халқ ҳокимиятчилиги ғояси сингдирилган бўлиб, бунга кўра, ҳокимият амалда ва қонун бўйича халққа тегишли эканлиги алоҳида таъкидланган.

Бош қомусимизнинг 7-моддасида эътироф этилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар ҳозирги вақтда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадига бўйсундирилганлигини; юртимиз ободлигини ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини кўрамиз.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги ҳақида сўз кетар экан, хўш, халқ давлат ҳокимиятини қандай йўл билан амалга оширади, деган табиий савол туғилади. Конституцияда худди ана шу саволга ҳам аниқ жавоб берилган. Халқ давлат ҳокимиятини бевосита ёки ўзи сайлаб қўядиган органлари орқали амалга оширади. Халқ ижтимоий ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар қабул қилишда, умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар орқали ҳокимиятнинг вакиллик органларини ташкил этиш, мамлакат Президентини сайлаш йўли билан иштирок этади.

Конституциянинг 7-моддасига биноан, давлат ҳокимияти фақат Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган ва улар асосида тузилган идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳозирги вақтда бизда давлат ҳокимиятининг тизими — унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти эса Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи барча идоралар ўз фаолиятларини фақат қонун томонидан берилган ваколатлар доирасидагина юритадилар. Уларнинг ўзбошимчалик билан Конституция ва қонунлардан ташқари ваколатларга эга бўлиши, ўзларига берилган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг ваколатларини бошқа органлар ёки ташкилотлар, алоҳида шахслар амалга оширишига йўл қўйилмайди.

***Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.***
***Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.***
***Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.***

**7-модда.**

Юқорида айтиб ўтилган барча давлат идораларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати Конституция ва тегишли қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар, шу жумладан, фуқаролар ҳам Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз итоат этишлари лозим. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан биридир.

7-моддада халқ ҳокимиятининг ягоналигига, дахлсизлигига, ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги ёки алмаштирилмаслигига ишора қилиниб, қуйидагилар белгиланган:

Биринчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистонда Олий Мажлисдан бошқа ҳеч қандай орган ёки жамоат ташкилоти қонун қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, Президентдан бошқа ҳеч ким Фармон чиқариши мумкин эмас ва ҳоказо.

Иккинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш мумкин эмас. Масалан, ҳокимиятнинг олий органи — Олий Мажлис тўғрисида сўз кетар экан, у фақат Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилганидек, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосидагина тарқатиб юборилиши мумкин. Албатта, бунинг учун Конституцияда назарда тутилган тегишли асослар талаб қилинади.

Учинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузишга йўл қўйилмайди. Бу ерда ҳам ҳокимият ваколатларини фақат Конституцияда кўрсатилган давлат идораларигина амалга ошириши лозимлиги, улардан бошқа ҳеч қандай идоранинг бундай ваколатларга эга бўла олмаслиги таъкидланади. Масалан, Олий Мажлиснинг таркиби фақат Конституция ва қонунда кўрсатилган ҳоллардагина ўзгартирилиши ва янги таркибда тузилиши мумкин.

Хулоса шуки, юртимизда адолатли халқ ҳокимиятчилиги ўрнатилган бўлиб, Конституциянинг ушбу моддасида халқ ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи, эгаси эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

***Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар қаторига айбланувчилар ҳам кирадилар.***

***Шу ўринда бир савол туғилади: айбланувчи ким? У қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланади?***

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида "Жиноят содир этилганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунга қадар у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади", деб кўрсатиб ўтилган.***

***Дарҳақиқат, шахс айбланувчи деб топилиши учун, унинг иши судда қонуний ошкора кўриб чиқилиб, далиллар билан асосланиб, ундан сўнггина у айбдор бўлса айбланувчи деб топилиши лозимдир.***

## *Ҳуқуқий маърифат*

# АЙБЛАНУВЧИ КИМ?

Ўзбекистон республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 45-46-моддалари айбланувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишлангандир. 45-моддада таъкидланишича, "Айбланувчи Жиноят-процессуал Кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилгандан кейин эса, маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади".

Бизга маълумки, қонун ўз навбатида жиноят процесси иштирокчиларининг барчасига муайян ҳуқуқлар берган ва мажбуриятлар юклаган ҳолда жиноят судлов ишларини юритишда иштирок этаётган шахслар, муассасалар, ташкилотнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминловчи процессуал кафолатларни, яъни усуллар, воситаларни белгилаб беради. Процесс иштирокчиларнинг, шу билан бирга айбланувчининг ҳам қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари одил судловнинг кафолатлари ҳисобланади.

Одил судловнинг фаолиятини, одиллик, инсонпарварлик, қонунийлик тамойилларига асосланиб йўлга қўйишни таъминлаш борасида Президентимиз И.А.Каримов ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ 6-сессиясида сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтган эди.

Ушбу маърузада жиноий жазоларни либераллаштириш, шахсларни айбли деб топгандан сўнггина улар устидан жиноий иш қўзғатиш, айбланувчи шахсларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига асосланган ҳолда жазо тайинлаш, яъни унинг ушбу жиноятни нима учун содир қилди, шарт-шароитлари, ижтимоий хавфлилиги, оилавий шароити, айбланувчининг шахсини ўрганиб чиққан ҳолда жазо тайинлаш лозимлиги қайд қилинди.

Ушбу сессиядаги маърузадан сўнг "Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда жиноят-процессуал кодексига ҳам бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу ўз навбатида, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қаратилгандир.

Кодекснинг 46-моддасида айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган

> Айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ шунингдек, суриштирув органининг, тергов бўлинмаси бошлиғининг ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.
>
> **Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-модда, 16-банди**

бўлиб, юқоридаги қонунга асосан ушбу модданинг биринчи қисмига ўзгартириш ва қўшимча киритилди. Жумладан, "Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганини билиши; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш, терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига эътироз билдириш ва суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция ва апелляция инстанция судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса — кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охирги сўзи билан чиқиш ҳуқуқига эгадир".

Ушбу 46-модданинг 1-қисмидан келиб чиқиб, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб айбланувчи ўзига берилган процессуал ҳуқуқдан фойдаланади.

Айбланувчи процесс иштирокчиси сифатида тергов босқичида пайдо бўлади.

Бир вақтнинг ўзида у далил бўлувчи маълумотлар манбаи сифатида ва унга нисбатан эҳтиёт чоралари қонунда белгиланган бошқа процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин бўлган, шунингдек суд томонидан жазо қўлланилиши эҳтимоли тутилган шахс сифатида намоён бўлади. Шу боис айбланувчи процесснинг бошқа иштирокчилари орасида алоҳида ўрин тутади.

Айбланувчининг ҳуқуқлари маълум меъёрда судланувчи ва маҳкумга нисбатан тадбиқ этилади. Айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари ҳажми жиноят процесси босқичига қараб турличадир. Бироқ процесснинг барча босқичларида айбланувчи жиноят-процессуал фаолият субъекти бўлиб, процесснинг боришига фаол таъсир кўрсатиш учун қонун унга кенг имкониятлар беради.

Айбланувчи, биз юқорида айтганимиздек, ярашув тўғрисидаги иши бўйича суднинг мажлисида иштирок этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66¹-**моддасида назарда тутилган жиноятларни оддий ҳолатда айбланувчи биринчи марта содир этган бўлиб, у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.**

Қонун айбланувчининг зиммасига бир қатор мажбуриятлар юклайдики, улар қуйидагилардан иборатдир. Айбланувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танлаган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; терговчининг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассаса ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда Жиноят-процессуал Кодексида назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг терговчи ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ЖПКда айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари анча батафсил баён этилган.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**адвокат**

## *Адлия тизими*

### *ХОРАЗМ*

*Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими йилнинг ўтган ойларида тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ҳамда бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик ва фуқаролик судларига 36 та даъво аризаси йўллади.*

*Уларда етказилган 45,8 миллион сўмлик зиённи қоплаш масаласи кўтарилди. Судлар ҳозиргача 17 та аризани мазмунан ҳал қилди. Қолган 19 та ариза тегишли тартибда қараб чиқилаяпти. Шунингдек, хўжалик ташкилотлари 62 минг 431 та ички хўжалик шартномаларининг ҳуқуқий мазмун ва мақоми таҳлил этилди. Шартнома ҳужжатларини расмийлаштириш борасидаги йўл-йўриқлар, қонунчилик талаблари вилоят туманларида фаолият кўрсатаётган намунавий ширкат хўжаликлари мутасаддилари иштирокида ўтказилган семинар машғулотларида батафсил тушунтириб берилди.*







## Савол беринг!

**Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.**

*Ҳурматли таҳририят!*
*Газетангиз орқали ўзимни қизиқтирган бир нечта саволларга жавоб беришингизни илтимос қиламан.*
*Сизларга олдиндан миннатдорчилик билдириб,*

**Нилуфар МУРОДОВА,**
**Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани,**
**Д. Йўлдошев номидаги ширкат хўжалиги**

**— Икки нафар фарзандим бор, ишсизман, корхонага иш сўраб мурожаат этган эдим. Лекин бўш ўрин бўлса-да, рад этишди. Шу ҳолат юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқим борми?**

— Агар сиз корхонага ёзма равишда мурожаат этган бўлсангиз, МКнинг 78-моддасининг учинчи қисми иш берувчи зиммасига ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда ходимнинг талаби билан, сабабини асослаб уч кунлик муддат ичида ёзма жавоб бериши керак. Ишга кирувчи рад этиш сабабларидан қатъий назар, иш берувчидан бундай рад этиш сабаблари асосланган ёзма жавоб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сизнинг қарамоғингизда ёш болалар борлиги муносабати билан ишга қабул қилиш рад этилгани ғайриқонунийдир, корхонанинг юқори турувчи ташкилотига ва судга шикоят қилишингиз мумкин.

**— Ишга қабул қилишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?**

Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати МКнинг 80-моддасида кўрсатилган. Хусусан, ишга кираётган шахс:

— паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, 16 ёшгача бўлган шахслар туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома;

— меҳнат дафтарчасини, биринчи марта ишга кираётган шахслар бундан мустасно, ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олинган маълумотнома;

— ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетини, ёки ҳарбий ҳисобда турганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ўрта ёки олий ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом ёхуд диплом иловасини, ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани тақдим этишга мажбур.

**— Ишга қабул қилиш қандай расмийлаштирилади?**

— МКнинг 82-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ишга қабул қилиш барча ҳолларда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлади. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади ва ходим ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, сана кўрсатиб қўйилади, мансабдор шахснинг имзосини ҳақиқийлиги ва қонунийлигини тасдиқлайдиган, корхона муҳри билан тасдиқланади.

**— Ишга қабул қилишда меҳнат шартномаси тузилган бўлса, ариза берилган бўлмаса, буйруқ чиқариш мумкинми?**

Амалдаги қонун ҳужжатлари ходим томонидан ишга қабул қилиш тўғрисида ёзма ариза берилишини назарда тутмайди, буйруқ чиқарилиши учун ариза эмас балки ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

**— Ишга қабул қилишда ўриндошлик деганда нимани англашилади?.**

— Ўриндошлик ходим томонидан ўзининг асосий ишидан ташқари мунтазам ҳақ тўланадиган, бошқа ишни асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси шартларига асосан ишни бажаришга айтилади.

## Диққат, янги рукн: *ҳуқуқий саводхонлик сари*

# ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

***Халқимиз эркин ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари интилмоқда. Ҳозирги пайтда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган. Бу борада жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни фуқаролар онгига чуқурроқ сингдириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар бир фуқаро ҳақиқий ватанпарварликни намойиш этиши, ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси ва демократик ўзгаришларнинг бевосита ижрочиси бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса ҳар бир киши ҳуқуқини билиши ва уни қонуний ҳимоя қила олиш талаб этилади.***

***Истиқлол йиллари ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. 1997 йилнинг 20 майида Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари билан долзарб ҳуқуқий муаммолар хусусида ўтказган учрашуви мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди, десак, асло муболаға бўлмайди.***

***Президентимизнинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони ҳам ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Шунингдек, Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчилик бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида", 1997 йил 21 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида", 1997 йил 22 июлда "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида" қарорлари қабул қилинди.***

***Мазкур Фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида таҳририят миллий дастур асосида қисқача юридик луғат бўйича мунтазам равишда маълумот бериб боришни режалаштирди.***

### *Ҳуқуқий онг —*

бу одамларнинг ҳуқуқларидан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишгина эмас, балки қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёргарлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Маданият тушунчаси: 1) жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи; 2) бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритилган шундай ютуқлари даражаси; 3) ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси каби маънолари орқали изоҳланади.

### *Ҳуқуқий маданият*

— жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Ҳуқуқий маданият Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати билан ҳам мустаҳкамланади.

### *Айбсизлик презумпцияси —*

ҳуқуқда муҳим демократик қоида бўлиб, бу қоидага мувофиқ бирон шахснинг суд ҳукми бўлмай туриб, айбдор деб топилиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси). Ҳар бир айбланувчи (судланувчи)нинг айби судда рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этилиши лозим. Айблов ҳукми тахминларга асосланмасдан, у судланувчининг жиноят қилишида айбли эканлиги исботланган тақдирдагина чиқарилади. Айбни исбот қилиш давлат органларининг вазифасидир, уни айбланувчи (судланувчи) зиммасига юклаб бўлмайди. Айбланувчининг кўрсатув бериш-бермаслиги унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Айбсизлик презумпцияси фуқаро ҳуқуқларини муҳофаза қилишни таъминлайди, асоссиз айблаш ва ҳукм чиқаришни истисно қилади (ЖПК 23-модда).

### *Амнистия —*

жиноят содир этган шахсларни тўла ёки қисман жазодан озод қилиш ёки уни енгил жазо билан алмаштириш тўғрисидаги олий ҳокимият акти. Амнистия жазони ўтаган шахслар зиммасидан судланганликни олиб ташлаш, шунингдек, маъмурий ёки интизомий ножўя ҳаракат содир этган шахсларни тегишли жазолардан озод қилишни ҳам кўзда тутиши мумкин. Агар Амнистия акти содир этилган жиноят учун жазони бекор қилса, (ЖПК 84-модда, 2-бандига мувофиқ) жиноят иши қўзғатилмайди ёки қўзғатилган иш тугатилиши керак. Амнистия ўта хавфли жиноят содир этган шахсларга, қайта-қайта жиноят қилувчи рецидивистларга, шунингдек, жазони ўтаётган даврида режим-қоидани бузувчи шахсларга қўлланилмайди. Амнистия акти норматив характерда бўлиб, унга дахлдор ва одатда шу актнинг кучга кирган вақтигача жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан жорий қилинади. Амнистия актини қўлланиш чегараси унинг матнида кўрсатилган бўлади. Амнистия актини қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Республика Олий Мажлиси ваколатига киради. Амнистияни кечирим беришдан фарқлаш керак. Кечирим акти бирон-бир шахсни жазодан озод қилиш ёки унинг зиммасидан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида чиқарилади.

### *Жазо —*

жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан суд томонидан қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси. Жамиятда жазо жиноятчиликка қарши курашда зарур, лекин у асосий эмас, ёрдамчи восита ҳисобланади. Жазо давлат мажбурлов чораси сифатида жиноят қонунида белгиланади. Жазо қатъий равишда шахсга тааллуқлидир. Жазо фақат суд ҳукми билан қонунга мувофиқ давлат номидан тайинланади.

**Рукн учун масъул:**
**Собиржон ЭРГАШЕВ**

## *Таҳрирсиз мактуб*

# ЖОНГА ЖОНДОШ(ми?) ЯХШИ ОДАМЛАР

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен Навоий вилояти, Навоий туманидаги К.Раҳимов номидаги жамоа хўжалигида яшайман. 1983 йилда ўн тўққиз ёшимда Ашуров Ражаб билан турмуш қурдим ва ҳозир беш нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим билан 1990 йилгача аҳил яшадик. Шундан кейин эрим ўзгара бошлади. Раҳимова Зулайҳо исмли бир болали аёл билан яқин муносабатда бўла бошлади ва 1991 йил 17 мартда улар фарзандли ҳам бўлишди. (Исмини Назокат қўйишди). Бу ширин турмушимизнинг бузила бошлаганидан дарак эди. Аммо мен барибир яшайвердим. Ахир, фарзандларим катта бўляпти, эрим болаларини кўриб, эсини йиғиб олар, деган андиша билан юравердим. 1994 йил эски шаҳардан ҳовли сотиб олдик ва у ерда 6 (олти) хоналик уй қуриб, таъмирладик. Бу ҳовли хўжайинимнинг опаси Ашурова Гулбибининг ўғли номига расмийлаштирилиб, эрим ҳозир у ерда иккинчи хотини билан яшаб келмоқда. Бу орада 1996 йил бир чойхонани сотиб олдик ва у ерда ҳам 4 хонали уй қурдик. Бу уй ҳам эримнинг опаси Ашурова Нурбиби номига ўтказилди. Кейин ўзимиз ўтирган ҳовлини қайта таъмирладик. Бу уй ҳам тўрт хонадан иборат. Шу ўтирган ҳовлимизнинг орқа тарафидаги аввал пахта экилган жойдан ер олиб, ўғилларимизга атаб, яна қурилиш бошладик. 2000 йилда 10 хонали уй бино қилинди. Хўжайиним "бу уйни акам қурган, сен қурганинг йўқ" деб, уйни кимнинг номига расмийлаштирганини айтмаяпти. Шунча қурилишлар натижасида эса мен соғлиғимдан ажралиб қолган эдим. Турмуш ўртоғим эса соғлиғимга эътибор бермай, акасининг номига ер олиб, 2001 йилда икки қаватли иморат солди. Бундан ташқари, хўжайинимнинг бировлар номига очган бир нечта ресторан, бар, чойхоналари ҳам бор. Уй масаласида жанжаллашиб қолиб, қаерга мурожаат қилмай, барибир ижобий жавоб ололмайман.

Эримнинг менга ва болаларимга берган азоблари жон-жонимиздан ўтиб кетган, у бесабаб жанжал қидиради, бизни уради. Устига-устак, икки марта операция қилиндим.

Шунча азобларга чидаб, болаларимнинг келажагини ўйлаб яшаб келаётган эдим. Хўжайинимнинг ёши ўтган сари босилиб қолар, деган умид ҳиси кучлилик қилаётганди. Лекин қанча-дан-қанча меҳнатим синган уйларнинг ҳаммасини қариндошлари номига расмийлаштириб, мени беш нафар фарзандим билан уйдан ҳайдаяпти. Битта икки хонали уйни менинг номимга расмийлаштирган экан, бундан хабарим йўқ эди, шу уйга ҳам қўймаяпти. Эримнинг айтишича, ўша менинг номимга олинган икки хоналик уйнинг фақатгина бир хонасини менга берармиш-да, бир хонасида иккинчи хотини билан яшармиш.

Мен ҳозир 2-гуруҳ ногиронлиги нафақаси билан беш боламни боқяпман.

Ҳурматли таҳририят!

Мен ва фарзандларим илтимос қилиб, шуни сўраймизки, ўзимиз не меҳнату машаққатларда қурган ҳовлимизда қолишимизга (унда 16 хона бор) ёрдам беришингизни сўраймиз.

**Мавлуда АШУРОВА,**
**Навоий тумани К.Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***
***Мазкур таҳрирсиз мактубда кўтарилган масала ҳар биримизни ўйга солмай қолмайди.***
***Лекин бу — бир томоннинг фикри эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шундай экан, биз иккинчи томоннинг фикрларини кутамиз.***

## Оталар дейдики:

***Хайр-саховат ҳам мардлик саналади.***

* * *

***Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.***

* * *

***Ростгўйлик лаззатини тотмаган ёки лаззатини билса ҳам, тотишни истамаган киши уни севмайди.***

* * *

***Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради: у зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат, бошқалар мулкни ҳийла билан ўзлаштириш, ўғрилик ва халқларнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларини кишига яхши қилиб кўрсатади.***

## *Жаҳон тажрибаси*

# ГЕРМАНИЯ СУД ТИЗИМИ

### *Суд ҳукми устидан апелляцион тартибда шикоят қилиш*

Агар ГФР қонунчилик жараёнига назар ташласак, ҳали қонуний кучга кириб улгурмаган суд ҳукми устидан икки хил — апелляцион ва тафтиш тартибида шикоят қилиш амалга жорий этилганини кўрамиз.

Хўш, суд ҳукми устидан апелляцион тартибда шикоят қандай амалга оширилади?

Германиянинг амалдаги жиноят — процессуал қонунчилигига кўра, фақат ҳудудий якка тартибдаги судлар ҳамда шаффенлар ҳудудий судлари ҳукмлари устидан апелляцион тартибда шикоят қилиши мумкин.

Шу билан бирга Германияда яқинда жорий этилган қонунга кўра, агар юқорида қайд этилган судлар арзимаган миқдорда пул жаримаси солиш тўғрисида ҳукм чиқарган бўлса, бундай вазиятда апелляцион тартибда шикоят қилишга ўрин қолмайди.

Суд ҳукми устидан апелляцион тартибдаги шикоятлар асосан жиноят бўйича ҳудудий судларнинг кичик ва катта судларида кўриб чиқилади.

Хўш, суд ҳукми устидан кимлар апелляцион тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга?

Аввало шуни айтиш кераккки, бу ҳам амалдаги жиноят процессуал қонунида аниқ белгиланган. Жумладан, суд ҳукмлари устидан апелляцион тартибда прокурор, судланувчи, унинг ҳимоячиси, судланувчининг қонуний вакили, хусусий айбловчи, айбловчининг ҳамроҳи, фуқаровий жавобгар шахслар шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Албатта, апелляцион тартибдаги шикоятлар суд ҳукми эълон қилингач, бир ҳафта ичида жиноий иш тўлалигича, хат асосида ёки суд протоколига киритилиши шарти билан оғзаки тарзда кўриб чиқиш учун суднинг биринчи инстанциясига берилиши керак.

Яна шуни айтиш керакки, апелляцион шикоятни буткул асосли қилиб ёзиш талаб қилинмайди. Яъни шикоят суд ҳукмидаги айрим бандлар билан ҳам чекланиши мумкин. Бундай вазиятда фақат ҳукмнинг шикоятда қайд этилган бандигина қайта кўриб чиқилади.

Агар апелляцион тартибдаги шикоятда ҳукмнинг бирон-бир банди кўрсатилмаган бўлса, унда ҳукм тўла ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Германия Жиноят Кодексининг 324-бандига кўра, апелляцион тартибдаги шикоят бўйича ишни кўриб чиқиш судья-маърузачининг нутқи билан бошланади. Бу жараёнга судга чақирилган гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Яна шуни айтиш жоизки, биринчи инстанция суд ҳукми аҳамиятга молик бўлса, ошкор этилади.

Агар прокурор, ҳимоячи ва судланувчи қатъий талаб қилмаса, ҳукмнинг асоси ошкор этилмаслиги ҳам мумкин. Шундан сўнг судланувчи сўроқ қилинади ва суд тергови ўтказилади.

Суд ишни апелляцион тартибда қайта кўриб чиққач, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиш керак: шикоятга сабаб бўлган суд ҳукмини ўзгартириш ва ишни ҳаракатдан тўхтатиш; шикоятни асоссиз даъво сифатида рад этиш; ўзгартириш ва ишни қайта кўриб чиқиш учун биринчи инстанцияга қайтариш; шикоятни асоссиз даъво сифатида рад этиш ва ҳукмни ўз кучида қолдириш; шикоят қилинган ҳукмни бекор қилиш ва мазкур иш юзасидан бошқа ҳукм чиқариш.

Шуни айтиш керакки, Германия суд амалиётида аксарият ҳолларда апелляцион судлар шикоят қилинган ҳукмни бекор қилиб, иш юзасидан янги ҳукм чиқариши кузатилади.

Аммо жиноят ишини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш Германия жиноят ишлари жараёнида жиддий танқидга сабаб бўлмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Апелляциянинг асосий камчилиги жиноий ишнинг тўлалигича иккинчи инстанцияда кўрилишида деб баҳоланмоқда.

Бу энг аввало, далилларнинг сифати ва уларни текширишда шарт-шароитларни эскириши билан боғлиқ. Нега деганда, вақт ўтиши билан судланувчи ва гувоҳларнинг илгари берган кўрсатмалари ўзининг аҳамиятини йўқотиши мумкин. Воқеа юз берган жой ҳам бутунлай ўзгариб кетиши ҳеч гап эмас. Алоҳида далиллар эса умуман эскириб кетади. Апелляцион судларда асосан ёзма далиллардан кенг фойданилади, бу — яхши, лекин ўз навбатида оғзаки ва бевосита иш юритишга зарар етказади.

Назария ва амалиётда шу ҳол кўп кузатилганки, биринчи инстанция судида иш кўриб чиқилгач, далиллар, айблов ва ҳимоя позицияси, тергов натижалари, исботлаш тартиби ошкор бўлади. Бу ҳол ўз навбатида турли хил суиистеъмолчиликка, далилларни чалғитиш, охир-оқибат, айбдор айбсиз, айбсиз эса айбдор бўлиб қолишига олиб келади.

Шу билан бирга манфаатдор шахслар ишни қайта кўриш жараёнига кучли таъсир ўтказиб, ҳақиқатни рўёбга чиқишига қаршилик кўрсатишади. Апелляцион суд эса аксарият ҳолларда бундай хуружларга қарши тура олмайди. Иккинчи томондан эса, гувоҳларга ҳам кучли босим ўтказилади. Оқибатда улар ҳаққоний кўрсатма беришмайди, бунга хотиралари сусайиб қолганини рўкач қилишади. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, кутилмаган бўҳтон таъсирида гувоҳлар умуман кўрсатма беришмайди.

Бундай пайтда судланувчи асосий айбни назардан соқит қилиб, жиноятга дахлдор унчалик аҳамиятга эга бўлмаган далилларни тан олишга ҳаракат қилади.

Охир-оқибат қаттиқ қаршиликка дуч келган апелляцион судлар жазони енгиллаштириш ёки ишни ҳаракатдан тўхтатиш учун фақат ҳукм тўғрисидаги саволларни муҳокама қилишга мажбур бўлади.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, суд ҳукмлари устидан апелляцион тартибда шикоят қилиш институти моҳият-эътибори билан ҳудудий суд ва шаффен судлари фаолиятига салбий таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Германия назария ва амалиётида кенг тарқалган фикрларга кўра, апелляцион тартибда жиноят ишини биринчи инстанцияда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ йўл ҳисобланмайди. Апелляция ишни холис баҳолай олмайди, аксарият ҳолларда у фойдасиз саналади.

**Ҳуқуқшунос Эркин АБДУЛЛАЕВ**
**тайёрлади**

